

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!

Бунёдкорлик



Хозирги пандемия вазиятига қарамай, Нурафшон шаҳрида қури-лиш бунёдкорлик жараёнлари жадаллик билан давом этмоқда.

НУРАФШОНнинг ойдин кўчаси

Аввал хабар берганимиздек, шаҳарнинг "Бобур" кўчаси тубдан янгиланаяпти. Бу ердаги қурилиш ишлари "Автойўлсановт инвест" ташкилотининг 50 дан ортиқ техникаси ва 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилари жалб этилган. Хозирда кўчанинг қарийб 2 минг метр қисмига асфальт-бетон қопламалари ётирилди. Шунингдек, кўчанинг икки четида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида пиёдапар йўлакчалари қурилмоқда. Шаҳар экологиясини уйла-ган ҳолда "Тошкент йўл кўкалам" уни-тар корхонаси ишчилари томонидан арча, қарагай, шамшод каби манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Ҳар кун корхонанинг 25-30 нафар ишчиси кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилмоқда. Қолаверса, ҳудуд бўйлаб ўтувчи канализация тармоғи, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлаш тизими ҳам буткул янгиланмоқда.

Ўз муҳбиримиз Раваш МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар



ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг Тошкент ва Хоразм вилояти бўлимлари иштирокида мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир ўтказилди.

Карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ташкил этилган онлайн мулоқот Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Минҳожиддин Мирзо очиб, барчани яқинлашиб келаётган байрам билан кутди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Озодбек Назарбеков, Ёдгор Саъдиев, Муножат Йўлчиева, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязовлар иштирок этиб, барчага кўтаринки кайфият улаштирди.



Муносабат

КЎРМОҚ БОРУ, СУЗМОҚ ЙЎҚ...МИ?

Яқинда Фавқулудда вазиятлар вазирлиги «Чорвоқ» сув омбори ҳавзасининг санитария муҳофазасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини муҳокамага чиқарди. Унда «Чорвоқ» сув омборида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли моторли қайиқлар, катерлар, яхталар, гидроцикл ва бошқа сузувчи воситалардан фойдаланиш ҳамда пляжлар ташкил этиш, сув омборининг қирғоғи периметри бўйлаб аҳолининг чўмилишини тақиқлаш назарда тутилган.



БЎСТОНЛИҚҚА БОРСАНГИЗ АГАР...



Тошкент шаҳри "Машина-созлар метро бекати" – Бўстонлик тумани "Юсуфхона кўрғони" йўналишида янги автобус қатнови йўлга қўйилди.

Қулайлик

соату 35 дақиқада босиб ўтади. Йўловчиларга Қибрай туманида жойлашган Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамияти томонидан хизмат кўрсатилаяпти. – Мақсадимиз – туризмин ривожлантиришда муҳим омил бўлган транспорт қатновини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш, – дейди МЧЖ раҳбари Аълам Пардаев.



Пандемия сабоқлари

ОЙНИНГ 15 КОРОНФИ, 101 ЁРУФ

Бугун бутун ер юзи бемор. Коронавируста адоқсиз Буммонлару осмонлар тоғлар, бани одам болалари ўзини давлат атаб қуриб олган чегаралар, ҳатто тирик-лигимиз манбаи бўлган ҳаво ҳам тўсиқ бўлолмапти. Саккиз миллиард одамзоднинг сўзида хавотир, кўзида хавотир. Сабабини изламоқда, чорасини изламоқда.

Қалбида эса умид, умид, умид! Одамзод нега умид қилмасин! Энди кўраётгани бу офатни. Эрамиздан олдинги 430-йиллардаги "Афина вабоси"дан бошлаб эрамизнинг 165-йиллидаги "Гален вабоси", 540-541-йилларда Миср ва Эфиопиядан тарқалиб, Яқин Шарқ ва Европани зир титратган "Юстиниан вабоси", 1320 йилда Хитойдан бошланиб, Хиндистону Европани қамраб олган "Қора вабо"-ни, XIX асрда Хитой кемалари Хинд ва Япон соҳилларига олиб келган ва Амриқою Австралия, Африқою Яқин Шарқни оёққа турғизган вабони, XVII-XIX асрлардаги Россиядаги ваболар хуружини, 1918-1919-йилларда Аляскадан тортиб Жанубий Африкагача бўлган ҳудудларда ҳаётни тўхтатиб қўйган "Испаника" ва бошқа ваболарни бошидан ўтказмадими одамзод?!



Covid-19

МАСЪУЛИЯТИМИЗ ИККИ ҲИССА ОШГАН

Бугунги кунда вилоятимизда корона-вирус пандемияси билан боғлиқ вазиятни жийовлаш ҳамда касаллик янгида кўнабианининг олдини олиш мақсадида бар-ча зарурий чора-тадбирлар кўришмоқда.

Хусусан, Бўха тумани Санитария-эпидемиология осойишталик марказида ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш борасидаги ишлар катта масъулият билан олиб боришмоқда. Хозирда марказда 41 нафар ходим меҳнат қилмоқда, улардан 3 нафари эпидемиолог. Карантин даврида улар туну кун турли постларда навбатчилик қилиб, дезинфекция ишларини бажаришди.



– Ходимларимиз комбинезон, бир марталик ниқоб ва кўлқоплар билан химояланган ҳолда тумандаги идора ва ташкилотлар, савдо шахобчалари, бозорлар ҳамда аҳоли тутаржойлари-ни навбатма-навбат дезинфекция қилишмоқда, – дейди марказ бош шифокори Дилшод Қодиров. – Барча саъй-ҳаракатларимиз касаллик занжирини узишга қаратилган. Марказимиз де-зинфекция воситалари ва керакли ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Яқинда "Дамас" автомобили ҳам беришди.

К. САЛОМОВА



Бўстонликқа борсангиз агар...

— Шу мақсадда Хитойдан 10 та замонавий, барча қўлайликларга эга "YUTONG" автобусини сотиб олдик. Ҳозирча мазкур йўналишда учта автобус қатнаётди. Йўловчилар оқимига қараб бу рақамни ошириб борамиз.

Дарвоқе, янги йўналиш нафақат Юсуфхона, балки Бурчмулла, Чимён худудига, шунингдек, "Белдирсой" ва "Амирсой" дам олиш оромгоҳларига бориш истагида бўлган йўловчиларнинг ҳам узогини яқин қилади.

Маълумот ўрнида: Бўстонлик тумани худудидagi сув ҳавзаларининг муҳофаза худудларида автотранспорт воситаларининг ҳаракатла-

ниши, тўхташи ва тўхтаб туришига йўл қўймаслик, бу худудларга тегишли йўл белгилари ва тўсиқлар ўрнатилишини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмақда. Бундан ташқари, "Бектемир—Чирчиқ—Ғазалкент—Чорбоғ" автоомобиль йўлининг янги қурилган 76-км. қисмида йўлнинг икки томонидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишлар бошлаб юборилган.

Саида Йўлдошбекова,
вилоят Транспорт бошқармаси матбуот котиби
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар



Барчамизга маълумки, вилоятимизда, хусусан, Бўстонлик туманида туризм салоҳиятини кенгайтириш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Яқин келажакда Чорвоқ сув омбори атрофидаги қишлоқларда янги дам олиш масканларини бунёд этиш ҳам режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларнинг бекаму кўст амалга оширилиши эса маҳаллий аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Хўш, туризмни ривожлантириш ишларининг авжи палласида бундай лойиҳанинг кенг оммага тақдим этилиши борасида жамоатчилик ва мутахассисларнинг фикри қандай?

Бу фикрда жон бор...

Муҳокамага чиқарилган қарор лойиҳасида бундай таққининг жорий этилишига чиқиндилар ташланиши оқибатида сувнинг ифлосланаётгани, 2017 йилда 2 та скүтернинг тўқнашиши оқибатида 2 нафар ва 2015 йилдан 2020 йилнинг июль ойига қадар 8 нафар фуқаро вафот этгани сабаб қилиб кўрсатилган. Албатта, инсонларнинг ҳавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, бугун чиқинди муаммоси нафақат бизнинг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг оғриқли нукталаридан. Дунёдаги умумий сув ҳажмининг 2-3 фоизигина ичишга яроқли экани қайта-қайта тақдорлансада, биз ҳамон ичимлик суви масаласига бефарқ қараймиз. Нафақат суви тежаб ишлатиш, балки унинг мусавволигини сақлаш борасида ҳам жиддий уйлаб кўришимиз лозим. Сабаби, чиқинди ва ахлатларнинг ташланиши оқибатида сув ҳавзаларининг ифлосланиши фауна ва флоранинг айрим турлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Балиқларнинг нобуд бўлиши эса сув ҳавзасидан бадбўй хид тарқалишига олиб келади.

Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, тоза ичимлик суви ифлосланиши деганда дарё, кўл, ерости сувларига турли зарарли жисмларнинг тушиши

тушунилади. Кўп ҳолларда сувларнинг ифлосланиши кўзга ташланмайди. Чунки, ифлослантирувчи маҳсулотлар сувга сингиб кетган бўлади. Агар сув ҳавзалари ўз вақтида тозаланмаса, улар кейинчалик ботқоқликка айланиб қолиши ҳам



Кўрмоқ бору, сузмоқ йўқ...ми?



мумкин. Таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, биргина 2007 йилда дарё ва кўллар тубидан 200 минг тоннадан ортиқ чиқинди олиб чиқилган. Чиқиндиларнинг катта қисмини дарахт илдизлари, ёғоч яшиқлар, шиша ва банкалар ташкил

қилади. Сувга чиқинди ташлаб, сув уни оқизиб кетади, дейиш бу хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Масалан, консерва банкиси йўқ бўлиши учун ярим аср керак бўлса, пластик идишлар ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам таққининг ечим бўлмайди. Муаммони бартараф этуви тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш фойдалироқ, аслида.

Қонуннинг ўз етарли эмасми?

Мамлакатимизда чиқиндини белгиланмаган жойга ташлаш борасида ҳам қонун-қоидалар мавжуд. Хусусан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 911-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суяқ маиший чиқиндиларни тўкиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бироқ, жарима миқдорини белгилаб қўйиш билан муаммо ҳал бўлмайди. Қўзланган мақсадга эришиш учун ижро механизми узлуқсиз ишлашини таъминлаш ва механизм амалда ўзини оқлаши лозим. Ҳеч қим чўнтагига зиён келтиришни истамайди. Мазкур худудда жамоатчилик назорати ўрнатилса, аҳолининг экологик маданияти ривожланса, ҳуқуқбузарлар мунтазам жазоланса, бир сўз билан айтганда, тегишли қонунлар бекаму кўст ишласа, бундай таққинларга ўрин қолмасди.

Мафтун СУННАТИЛЛАЕВА,
Тошкент ҳақиқати/

(Таҳририят изоҳи: юқорида тилга олинган қарор лойиҳаси 23 августга қадар муҳокама қилиниши белгиланган.)

Сўнги йилларда мамлакатимизда мева-сабзавот, поллиз, дуккакли маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятимизда ҳам қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, юқори натижаларга эришаётган кўп тармоқли фермер хўжалиқлари, хусусий тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Хусусан, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишида фаолият бошлаётган корхоналарга ҳар томонлама кўмак берилаётди. Жумладан, Бекобод туманидаги "GREEN AGRO FOOD" масъулияти чекланган жамият шаклидаги агросаноат корхонаси тўрт йил муқаддам мева ва сабзавотларни МДХ мамлакатларига экспорт қилишни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги кунда ажратилган 177,55 гектар ер майдонида айбёрг, брокколи каби сабзавотларнинг бир нечта тури етиштирилмоқда.

БЕКБОДАДА ҚАДОҚЛАНАЁТГАН САБЗАВОТЛАР ХОРИЖДА ҲАМ ҲАРИДОРГИР

Ўтган йиллар давомида агросаноат корхонасида 30 миллиондан ортиқ кўчат экилиб, парвариш қилинди. Шунингдек, мева-сабзавотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш мақсадида вилоят бўйича 60 гектар майдонда томчилатиб сугоришнинг инновацион усули жорий этилди.

2018 йилда 1 минг 932 тонна мева-сабзавот маҳсулоти хорижга экспорт қилинди. Ўтган йили эса 5 минг 125 тонна маҳсулот хориж бозорларига жўнатилди.

Жорий йилдаги режалар ҳам салмоқли. Жами 3,5 миллион доллар қийматидаги мева-сабзавот маҳсулотларини четга жўнатиш кўзда тутилган. Ўтган олти ой мобайнида корхона томонидан жами 2 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва кўчатлар қайта ишланиб, экспорти амалга оширилди. Шунингдек, агросаноат корхонаси-

нинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, мижозлар истақларини инобатга олган ҳолда вакуумли қадоқда пиширилган сабзавотларни ишлаб чиқариш линияси ташкил этилди. Бу корхонанинг тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлишига имкон беради. Яъни, маҳсулотларни етиштиришдан тортиб, уни тайёрлаш, қадоқлаш ва Россиядаги чакана савдо тармоқларига етказиб бериш вазифасини ўтайди.

Бугунги кунга қадар тайёрланаётган қайнатилган ширин маккажўхори ва лавлага ҳам шундай маҳсулотлар таркибига кирилади. Корхона томонидан экин ва ишлаб чиқариш майдонларини техник жиҳозлашга 1,5



Жами 3,5 миллион доллар қийматидаги мева-сабзавот маҳсулотларини четга жўнатиш кўзда тутилган.

миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилган. Бундан ташқари, янги маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига тўлиқ етказиш мақсадида далада махсус жиҳозланган совутиш хонаси қурилган.

Айни пайтда корхонада 50 нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА

Август – ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой

ПАХТАКОРНИНГ ҚИЗГИН КУНЛАРИ

Шу кунларда деҳқонлар учун тиним йўқ. Август ойининг сўнги кунлари, айниқса, пахтакорлар учун ҳосилга ҳосил қўшадиган жуда масъулиятли палла.

— 80 гектар майдонда пахтанинг "С-6524" нави етилмоқда, — дейди Бўка туманидаги "Темур" фермер хўжалиги раҳбари Зафар Тоиров. — Ҳозирги ҳар бир кунни ганимат билиб барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажараялмиз. Август гузани сугоришда энг муҳим палла ҳисобланади. Шу кунгача бир неча бор шарбат суви бердик. Мўлжалимиз гектардан 40 центнердан ҳосил олиш.



Зафар Тоиров ёш бўлишига қарамай, анчагина ишбилармон фермер. Бу йил ғаланинг "Гром" навидан экиб, гектаридан 60 центнердан ҳосил олди. Ҳосилдан бўшаган ерларни 8 нафар ёш ишчиларига бир гектардан бўлиб берди. Ҳозир улар дуккакли экинлар парвариши билан банд. Ёш фермер келгусида хўжалигини кўп тармоқлига айлантириб, яна 10 кишини ишга қилмоқчи.

К. САЛОМОВА
Х. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат

Абитуриент – 2020

ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Пандемия шароитини инобатга олиб, бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар аввалги йилларда олинган мос фан бўйича тест синовлари билан алмаштирилди. Бироқ, спорт йўналишига эга бўлган таълим даргоҳларида ижодий имтиҳонлар бўлиши назарда тутилган. Шу боис, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, профессор Маҳмуджон БОЛТАБАЕВга юзланиб, ижодий имтиҳонлар қандай ташкил этилиши, жорий ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари ҳақидаги саволларга жавоб олдик:



— Коронавирус пандемияси бутун инсоният, шу жумладан, спортчилар ҳаёт тарзини ҳам ўзгартириб юборди. Масофавий ишлаш, хизматлар қаторида таълим тизими ҳам тезда онлайн форматга ўтишга мажбур бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига 2020-2021 ўқув йили учун масофадан туриб еттига йўналишга ҳужжатлар қабул қилинди, жами абитуриентлар сони 19 минг 407 нафарни ташкил қилмоқда.

Ижодий имтиҳонларни санитария талабларига қатъий

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида (университет биносида) худудлар кесимида қабул қилинади. Абитуриентлар ижодий имтиҳонларни фақат бир кун ва узоғи бир соат ичида топширишади.

Шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида видеодан туриб еттига йўналишга ҳужжатлар қабул қилинди, жами абитуриентлар сони 19 минг 407 нафарни ташкил қилмоқда.

Янги 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб "Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)"



риоя этилган ҳолда, тест синовлари билан бир қаторда 3 сентябрдан 20 сентябргача бўлган вақт оралиғида ўтказиш режалаштирилди. Тўлиқ ижодий имтиҳон асосида талабалikka қабул қилинадиган йўналишларда абитуриентлар шу пайтга қадар махсус ва умумий жисмоний тайёргарликдан ташқари, сузиш бўйича ҳам имтиҳон топшириб келишар эди. Жорий йилги қабул мавсумида эса абитуриентлар фақат махсус ва умумий жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон топширишади, сузиш мажбурий имтиҳонлардан олиб ташланди.

2020-2021 ўқув йили учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига қабул бўйича "Мақтабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт" ва "Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)" бакалаврият таълим йўналишларида касбий (ижодий) имтиҳонлар

ҳамда "Мақтабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт" бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати 3 йил этиб белгиланди. Университетда янги — 5 та спорт фаолияти (стол тенниси, регби, каратэ ВКФ, тоғ-чанги спорти, шахмат) йўналиши, 1 та янги факультет, 2 та кафедра очилди. Яна шунинг эътирофи этиб ўттишим керакки, университет қошида "Уйчи спорт" техникуми ташкил этилди. Янги ўқув йилида, шунингдек, профессор-ўқитувчилар томонидан 23 та дарслик ҳамда 43 та ўқув қўлланмалари яратилиб, нашр этиш учун гувоҳнома-лар олинди. 2, 3, 4-курс бакалавр ва 2-курс магистратура йўналишларида ўқиш масофадан онлайн тарзда олиб борилишига жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Мадина АБДУСАМАТОВА
Тошкент ҳақиқати/
ёзиб олди

Ва ҳаммасида голиб чиқди! Ва ҳаммасида қишлоғу шаҳарлар тамбаланди, йўллар ёпилди, сахаро уммон карвонлари тек қотди, одамлар уйларида чикмадилар, олимлар сабаб изладилар, даво изладилар, табиблар жонларини жабборга бердилар. Мана XXI асрга келиб Хитойдан таркаган янги офатга ҳам шу минг-минг йиллик тажрибани қайта қўлламоқдамиз. Ва галаба қилишга ишончимиз қимил!

Вабонинг сабаби? Бу сафарги сабаб ўзгараётган – нафс! Майли, одамзод кўршалак еган бўлсин – нафс, лабораторияда биологик курол тайёрлаётган

сарфласа. Албатта, нафс фарзанди – офатдан одамзод яна нималарнидир қайтариб олади.

Қалам аҳли эса, қайтариб олинган вақтни сўзга айлантириши, шу йўл билан офатдан ўч олиши ёки у ҳақда келажак авлодларни оғохлантириши мумкин.

1592-йилдаги вабо пайтида Стратфорд шаҳрида қамалиб олган Шекспир инглиз адабиёти хазинасини бойитган сонетлари ва поэмаларини ёзди, 1830-йилда Россиядаги вабо пайтида Болдино қишлоғида карантинда қолган Пушкин қатор машҳур шеърларини ва "Евгений Онегин", "Белкин қиссалари", "Мо-

дай сатрлар бор: "Киши дучор бўладиган хавфни билганда эмас, аксинча, билмаганда кўпроқ ваҳимага тушади". Сизу биз хавфни билиб турибмиз, демак ваҳимага ўрин йўқ! Ошиқларни висолдан, яқинларни дийдорлашувдан вақтинча маҳрум қилган, илди-зи нафс бўлмиш офатдан тортиб олган вақтимиз давомида қалбларимизда муҳаббатни, меҳрни зиёда қилиб олиш имконимиз бор!

Талабалик пайтида катта бир шоиримиз суҳбатлашаётиб биз ёшларга: "Сиз фақат ўзингизни ўйланг, шунда ҳамма-ни ўйлаган бўласиз", деганди.

ОЙНИНГ 15 И КОРОНҒИ, ЁРУҒ

бўлсин – нафс, бойлик, дунёга ҳукмдорлик нафси, нафс деб бир-бирини унутди, ўзини унутди, дунёга нима учун келганини унутди, вақтни унутди. Нафс буларнинг ҳаммасини ўзиники қилиб олди.



"Қиссаси Рабғузий"да одамнинг вужуди яратилган нимарсалар ҳақида шундай нақл бор: "Нафси ўтдин олди. Ҳар ким анинг рангига кирса ўтдек қуядир. Ва бу оламда жамъи меҳнату машаққат анинг ҳолига йўл топув".

Энди инсон "анинг ҳолига йўл топиш"ни қўйиб нафсини енгиши ва у тортиб олган бойликларини қайтариб олиши лозим. Ҳозирча, вақтинча бўлсада, ғайрихитобий бўлсада – вақтни қайтариб олди. Қуни кеча: "Нима бўлганда ўзи, ҳеч нарсага вақт йўқ, сувдай ўтиб кетяпти, ҳеч нарсага улгуролмаганман", деган нолишларини қайтариб олди. Энди бу вақтни нима қилиш ҳақида бош қотирмоқда. Истардимки, ўз-ўзини, қалбини ва руҳиятини тафтиш қилишга

царт ва Сальери", "Тош меҳмон", "Хасис рицар", "Вабо пайтидаги зиёфат" каби асарларини ёзди. Офат билан юзма-юз бўлган ўнлаб ёзувчилар эса инсоният ва вабо мавзусида талай асарлар битишган. XIV асрнинг ўрталарида Италияда бошланган вабо вақтида Жованни Боккачо "Декамерон" асарини, XVII асрдаги Англияда тарқалган вабога бағишлаб Даниэл Дефо "Вабо шаҳри қуддалиги" романини ёзди. Мазкур асарларда ўлим бўсағасидаги инсонларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати нақадар қудратли эканини ҳис этасиз. Бугун ҳам инсон ўша-ўша, унинг ҳаётга муҳаббати ҳам – ҳамма баюлу офатни енгишга қодир!

Тўғриси, бошида тушунмасдан уни анча пайт ёмон қўриб юрганман. Кейинчалик у – ўз иқдорингизни ўйланг, адабиётни ўйлаган бўласиз, ўзингизга яхшилик қилинг, бошқаларга яхшилик қилган бўласиз, демокчи бўлганини тушунганман. Бугун ўзимизни муҳофаза қилиш, ўзимизни пок тутиш, кўча ҳавасидан тийилиб туриш, ўзимизга касал юқтирмайликни ўйлаш, сабр – бошқаларни, оиламиздагиларни, Ватанимиз асраш экани кундай равшан. Қолаверса, "Ойнинг ўн беши қоронги, ўн беши ёрув" деган мақол ҳам асарлар ҳикматидир, аспид!

Александр Дюманнинг "Граф Монте Кристо" асарига шун-

Азиз САИД

Эълонлар

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг (шақлланган) сотиш қиймати (сўм ва фойз кўринишида)
1	"Қурилиши тугалланмаган бино"си	Нурафшон шаҳри, "Наврўз" МФЙ, Шифокор кўчаси	Нурафшон шаҳар ҳокимлиги	224 593 000,0
2	"Нотураржой бино"си	Охангарон тумани, "Ғаллақудук" МФЙ	Охангарон тумани ҳокимлиги	78 108 000,0
3	"Собик ҳаммом бино"си	Бекобод шаҳри, "Маданият" МФЙ, Наврўз кўчаси	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	332 374 000,0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 21 августдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш

учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (95) 340-80-10, 71-293-90-59.

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!



Ашуралӣ БОЙМУРОД

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Ашуралӣ Боймурод 1957 йилда Бекобод туманида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. 15 га яқин шеърӣ ва публицистик китоблари чоп этилган. "Шуҳрат" медали соҳиби.

Осмон

Оқшомига етганда осмон
Кийиб чиқди юлдуз қўйлагин.
Гўзаллигинг кўз-кўз қилгани
Сен ой билан энди ўйнагин!

Аммо шуни унутма, само,
Баеринг нурдан сўкилиб кетар.
Юлдузларинг қилмагай вафо,
Тонгда бари тўкилиб кетар...

Кўнглимдаги баҳорим

Сени гулга ўхшатдим,
лек, гулдан ҳам нозикроқ,
Менинг кўнглим боғимни
безаб қўйдинг ҳозироқ.

Гуллар ичра ягона,
хушбўй, аtring бошқача,
Во, ажаб, гул аълосин
кўрмабман шу ёшгача ...

Хаёлимда фақат сен,
гул ҳақида ўйласам,
Рози бўл, гул васфини
булбул бўлиб куйласам.

Сен борингни тўкиб сол,
ортиқ эҳсон кутмасман,
Кўнглимдаги баҳорим,
сенсиз яшаб ўтмасман.

Букун гул бир баҳона,
хузурингга шошгайман,
Лола, юзинг ўнай деб
тоғу тошдан ошгайман.

Гул ҳидидан маст бўлсин,
кўй, Ашурни ҳолига,
Изи бер, пешвоз чиқай,
гулим истиқболига.

Мусаввир

Эй мусаввир, ранглар созғари,
Сен мозийга киритасан эсон.
Ранглар ила дoston ёзгани
Етармикин юракдаги қон...

Сўзлаётир, бўёқда бир сас,
Муъжизанинг нимадир сифи.
Бу ишчакки бир сурат эмас,
Парчаланган юрак тасвири.

Ҳаммасини ўзидан сизиб,
Тўкиб солди юрак қонини.
Кўрганларин матога чизиб,
Зоҳир этди ҳаяжонини.

Эй мусаввир, шоир ҳам ёзар,
Илҳом бермиш анвойи ранглар.
Юрагимга муҳрини босар
Севги деган дилбар оҳанглар...

Тўғру

Кибру ҳаво, фасодга
тўлиб кетди бу дунё,
Ким ҳақ, ким ноҳақлигин
ажсратиб бўлмай қолди.

Ҳар лаҳзамиз бир тугун,
жумбоқдек бари гўё,
Ҳаёт берган сабоқдан,
кўнгли ҳам тўлмай қолди.

Гатга чечан болакай,
четда ўйнинг қариси.
Кимнинг сўзин рад этиб,
кимга ишонмоқ керак.

Тушида кечган умрга
ўхшаб кетди бариси,
Агар бу бир туш бўлса,
тезроқ уйғонмоқ керак!

МАДАНИЯТ ВАЗИРИ Оккўрғон туманида

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Акмал Умаралиев ҳамроҳлигида Оккўрғон туманидаги маданий-маърифий масканлар фаолияти ва айни кундаги ҳолатини кўздан кечирди.

Худуддаги хароб аҳволга келиб қолган «Тарих ва ўлкашунослик» музейида айни пайтда жадал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Таъмирдан сўнг музей замонавий кўринишга эга бўлиши кутилмоқда. Суҳбат давомида вазир ушбу маданий маскан кенгайтирилиб, уни нафақат туман, балки вилоятнинг «Тарих ва ўлкашунослик» музейига айлантириш бўйича таклифини берди.

Маданият маркази биносига аввал туман маданият бўлими қошида очилган «Маданият уйи» фаолият олиб борган. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, мазкур марказни таъмирлашга киришилган, айни пайтга келиб қурилиш ишлари деярли битказилган.

Марказнинг таъмирлаш жараёнидаги муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Шундан сўнг вазир бошчилигидаги вилоят мутасаддилари туман марказида қайтадан бунёд этилган Ёшлар боғида бўлиб, у ерда ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шароитлар билан та-



нишди. Худудда фаолият юритаётган «Шамалак» сайилгоҳи меҳмонлар эътиборидан четда қолмади.

Ўрганишлар давомида вазир туман мутасаддиларига ўз таклифи ва мулоҳазаларини билдирди.

Д. МАМАТОВА,
ЎЗА

Давлат активларини бошқариш агентлиги ОШҚОРА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4388-сон қарорига мувофиқ «Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ устав капиталидаги 84,43 фойз давлат акция пакетини сотиш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов объекти: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Янги ҳаёт кўрғонига жойлашган «Тўйтепа металл қурилмалари» АЖ устав капиталидаги 84,43 фойз давлат акция пакети.

Танлов шартлари:
объектнинг бошланғич нархи: 20 000 000 000,0 сўм;
инвестиций мажбурияти – корхонага 5 йил муддат ичида камида 3 млн. АҚШ доллари миқдоринда инвестиция киритиш;

Танловда иштирок этиш учун:
аризаларни қабул қилиш «E-jro aukcion» электрон онлайн аукцион савдо майдончаси орқали амалга оширилади; талабгорлар «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУКнинг махсус ҳисобрақамига объектни

Савдо ташкилотчиси: «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК, Тошкент ш., Амир Темури кўчаси, 6. Тел.: (71) 202-21-11. Веб-сайт: www.e-auksion.uz, e-mail: info@e-auksion.uz. Сотувчи: Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент ш., Амир Темури кўчаси, 6. Тел.: (71) 259-22-10, 259-20-70. Веб-сайт: www.davaktiv.uz, e-mail: info@davaktiv.uz.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоировга турмуш ўртоғи ГУЛЧЕҲРА АЯ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.	Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоирга рафиқаси ГУЛЧЕҲРА АЯ нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти жамоаси Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирга умр йўлдоши ГУЛЧЕҲРА АЯ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-843. 4 503 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул ютиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳих
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Муҳаммадсиддиқ АЛИЖОНОВ

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 19.00 1 2 3 4 5

Реклама ҳуқуқи асосида

ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

азиз юрtdошларимизни энг улуг, энг азиз байрам –

Мустақиллигимизнинг

29 йиллиги билан самимий қутлайди!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
амалга ошираётган эзгу ишларингизда
муваффақиятлар тилайди.
Истиқлолимиз абадий, истиқболимиз
порлоқ бўлсин!

“G'ALLA - ALTEG”

акциядорлик жамияти жамоаси меҳнаткаш халқимизни

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан қизгин табриклайди!

Байрам барчангизнинг жонадорлигизга шодлик,
қувонқ ва бахт олиб кирсин.

Дастурхонингиздан қут-барака, тўқин-солимлик
аринмасин.

Истиқлол айёлигиз муборак бўлсин, азизлар!